



O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-25-13 faks.: (036645) 6-10-01

2019 у.г. «21» февраль

№ 332-18

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар Давлат хизматлари марказига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маъмурий бино қурилишига рухсат бериш ҳамда ер участкаси ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3701-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖнинг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳамда “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖ ўртасида тузилган 17-сонли шартномани инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6 ва 25 моддасини асослаб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ва “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖ ўртасида тузилган шартнома инобатга олинсин, “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖга тегишли Каттакўрғон шаҳар, А.Навоий кўчасида жойлаган бино иншоотларга туташ ҳудуддан Каттакўрғон шаҳар Давлат хизматлари марказига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маъмурий бино қуришга рухсат берилсин.

2. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ва “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖ ўртасида тузилган шартнома шартига асосан “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” МЧЖга Каттакўрғон шаҳар ҳокимлигининг захирасидаги ер майдони ҳисобида бўлган, Қорадарё кўчаси атрофидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва савдо дўконлари қуриш мақсадида 0,50 га ер майдони ажратилсин.

3. Шаҳар бош архитектори (Ж.Салохутдинов) “JAXONGIR SHOХJAXON TRANS” масъулияти чекланган жамияти томонидан А.Навоий кўчасида қураётган қурилиш ишларини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.